

Ўз низомига асосан фаолият юритувчи “MASTER FOOD 2020” МЧЖ бундан кейин «Бажарувчи» деб юритилади, унинг номидан шахсан раҳбари А.Ғаниев бир томондан Андижон давлат университети академик лицейи директори У.Валиев иккинчи томондан бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади қуйидаги мазмундаги шартномани туздик :

**1.Шартнома предмети.**

1.1. «Бажарувчи» ўзи бажариши керак бўлган ва келишилган қуйидаги 3 маҳал иссиқ овқат маҳсулотларини тайёрлаб (бажариб) беради. «Буюртмачи» эса ушбу бажарилган хизматларни ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиб, ҳисоб-китобларни амалга оширади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий Суммаси
1	Тасдиқланган таомнома (менью) асосида эрталабки нонушта учун иссиқ овқатланишни ташкил этиш	Сум	7777	26 600	206 868 200
2	Тасдиқланган таомнома (менью) асосида тушлик иссиқ овқатланишни ташкил этиш	Сум	3750	26 600	99 750 000
3	Тасдиқланган таомнома (менью) асосида кечки иссиқ овқатланишни ташкил этиш	Сум	2218	26 600	58 998 800
	<b>Жами:</b>			<b>26 600</b>	<b>365 617 000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: (Уч юз олти беш миллион олти юз ўн етти минг) 00 тийинг сўми ташкил этади.

**2.Шартноманинг қиймати ва ҳисоб– китоб тартиби**

2.1. Ҳисоб китоб “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ғазначилик тизимидан ,рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк иш кунида “Буюртмачи” кўрсатган хизматларни умумий суммасининг 30 % ни олдиндан аванс тариқасида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70% ни «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматлар ҳисоб варақ фактуралари асосида топширилгандан сўнг 31 кунда ўтказиб беради.

**3.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

3.1.Томонлар бошка томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Бажарувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

-Берилган буюртманомга мувофиқ кўрсатилган хизматларни бажариб беради.

-Агар хизмат кўрсатиш ёки ишларни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни баратараф этишга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари :

- Тайёрланган маҳсулотни талаб даражасида бўлишини «Буюртмачи»дан талаб қилишга;

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 4.Томонларнинг жавобгарлиги

4.1.Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи» га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун бажарилмаган ишларнинг қийматидан 0.1 % микдорда, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган микдорда жарима тўлайди.

4.2.Ишларни бажариш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун «Буюртмачи» га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 25 % микдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Буюртмачи» га хизматларни бажариб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. Ишларни бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5 % микдоридан пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматнинг қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % микдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

#### 5.Низоларни ҳал этиш тартиблари

5.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### 6.Форс – мажор.

6.1.Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари”, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### 7.Бошқа шартлар.

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган булиб, унинг бир нусхаси “Бажарувчи” да иккинчи нусхаси “Буюртмачи” да сақланади.

#### 8.Шартнома муддати.

8.1. Шартнома тегишли газначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

8.2. Шартнома муддати тегишли Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб “31” Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

#### 9.Томонларнинг ҳукукий манзили ва банк реквизитлари.

##### «Бажарувчи»

“MASTER FOOD 2020” МЧЖ  
ИНН 306722687  
Ш/хв 20208000905124730001  
Манзил Маориф мфй  
Темир йўл дом 10Б



А.Ғаниев

##### «Буюртмачи»

Андижон давлат университети  
академик лицейи  
Манзил: Анд шаҳар Университет 129а уй  
Ш/хв 100810860034017092500079002  
ИНН: 205226627 Оқонх:92200  
Ўзбекистон Республикаси молия  
вазирлиги Газначилиги.  
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри  
Х/р.23402000300100001010  
Стир: 201122919-МФӨ000014

Директор:  Валиев

Ҳуқуқшунос 